

O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

ilmiy-uslubiy jurnal
Samarqand

3 (52)/ 2014

Ministry of Higher and Secondary Special Education
of the Republic of Uzbekistan
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal
Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№3 (52), 2014.

*Уч ойда бир марта чиқадиган
илмий-услубий журнал*

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Бош муҳаррир: *Ганишер РАҲИМОВ*
Масъул котиб: *Абдували ЭШҚОБИЛОВ*

Таҳрир хайъати:

АБДУЛЛАЕВА Людмила
БУШУЙ Анатолий
БУШУЙ Татьяна
ЖАББОРОВ Салим
МАҲМУДОВА Муяссар
МИРЗАЕВ Ибодулло
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
(муҳаррир ўринбосари)
УСМОНОВ Ўрол
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ҚАМБАРОВ Носир

Жамоатчилик кенгаши:

ВОЛЬФ Аннет (Германия)
ГИЙОМ Оливье (Франция)
ЯСУО Кочучи (Япония)
БОҶИЕВА Гуландом
МАКНАЛТИ Стив (Британия)
ҚЎЛМАМАТОВ Дўстмамат
АШУРОВА Дилором
ИРИСКУЛОВ Аббос
РАҲИМОВ Сотiboldи
РИЗАЕВ Баҳодир

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

*Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси 93,
СамДЧТИ.*

Телефонлар: (998-662) 233-78-43.

Факс: (998-662) 210-00-18.

Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2014 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№3 (52), 2014.

Scientific-methodical journal

Founder: *Samarkand State Institute of Foreign
Languages*

Editor-in-Chief: *Ganisher RAKHIMOV*
Executive Secretary: *Abduvali ESHKOBILOV*

Editorial Board:

ABDULLAEVA Lyudmila
BUSHUY Anatoliy
BUSHUY Tatyana
JABBOROV Salim
MAHMUDOVA Muyassar
MIRZAYEV Ibodullo
TURNIYOZOV Nemat
(vice editor)
USMONOV Ural
KHOLBEKOV Mukhammadjon
KAMBAROV Nosir

Public Council:

WOLFF Annett (Germany)
GUILLAUME Olivier (France)
JASUO Kochuchi (Japan)
Boqiyeva Gulondom
MCNULTY STEVE (Britain)
KULMAMATOV Dustmammat
ASHUROVA Dilorom
IRISKULOV Abbos
RAKHIMOV Sotiboldi
RIZAYEV Bakhodir

*The journal is included into the of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher
Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10,
2014).*

Address of Editorial Office:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-662) 233-78-43

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: ssifl_info@mail.ru

The journal was registered with No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information. The journal has been published since 2001.

ISSN: 2181-743X

© Samarkand State, 2014 Institute of Foreign
Languages.



МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

Турниёзов Н. МАҲМУД КОШҒАРИЙ ВА ҲОЗИРГИ ТИЛИМИЗДА СЎЗ ЯСАЛИШИ ҲОДИСАСИ ҲАҚИДА.....	7
Насруллаева Н. ГЕНДЕРНЫЕ СТЕРЕОТИПЫ ВО ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.....	11
Мирсанов Ғ. АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКА ИФОДАЛАНИШИДА ТЕМПОРАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ.....	14
Қдырбаева Г. ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗЗАБОН ИЗОҲЛИЛУҒАТЛАРИДАГИ “МАН” КОНЦЕПТОСФЕРАСИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАЛҚИНИ.....	18

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Махмудов А. Г.Э.ЛЕССИНГ “ДОНИШМАНД НАТАН” ДРАМАСИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	23
Очилова Д., Холбеков М. ЖОН ДРАЙДЕН ВА УНИНГ “АВРАНГЗЕБ” ФОЖИАСИ АСАРИ.....	26
Ҳолиқов Б. XX АСР ДЕТЕКТИВ ЖАНРИДА ИЗҚУВАР ТАЛҚИНИ	35
Қобилов У. ДУНЁВИЙ МАВЗУНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИ.....	39

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Сафаров О. СУПТУАГИНТА ТАРЖИМАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ	47
---	----

МЕТОДИКА

Махмудова М. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАРБИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	52
Муминова О., Меликова М. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ УЧЕНЫХ ВОСТОКА И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МИРОВОЙ НАУКИ	57



МАГИСТРЛАР МИНБАРИ

Абдуназарова З. ВАРИАБЕЛЬНОСТЬ ФРАЗЕОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В АСПЕКТЕ КОНТЕКСТУАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ.....62

Исмаилова Д. ОСНОВЫ СИНТАГМАТИЧЕСКОГО КОНСТРУИРОВАНИЯ СУБСТАНТИВА В СОВРЕМЕННОМ АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ.....67

Суздальцева А. ПОРТРЕТЫ В ДОКУМЕНТАЛЬНОЙ ПОВЕСТИ ДЖ.УОРРИКА “ТРОЙНОЙ АГЕНТ”72

Абдухадова З. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛИК МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР.....75

Аноркулов С. И.В.ГЁТЕ ТИЛИДА ДЕРИВАЦИОН ТЕНДЕНЦИЯЛАР78

ТАҚРИЗ

Йўлдошев Б., Икромов И. АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУҲИМ ТАДҚИҚОТ, М.ХОЛБЕКОВНИНГ “СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК” РИСОЛАСИГА ТАҚРИЗ.....82

Исмаилов С. А.САЙФУЛЛАЕВНИНГ ПРЕДЛОГЛАРНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШНИНГ КОНТЕКСТУАЛ АСОСЛАРИ РИСОЛАСИГА ТАҚРИЗ.....85



CONTENTS

LANGUAGE

Turniyazov N. About Maxmud Koshgarskiy and the word formation phenomenon in the modern language.....	7
Nasrullayeva N. Gender stereotypes in the English phraseological system.....	11
Mirsanov G'. The place of temporal adverbials in aspectual semantics.....	14
Kdirbayeva G. Lexical analysis of verbalizators' conceptosphere «man» in modern English dictionaries.....	18

LITERATURE

Mahmudov A. Artistic characteristics of the drama “Wise Natan” by Lessing.....	23
Ochilova D., Xolbekov M. John Driden and his tragedy “Avrangzeb”.....	26
Xalikov B. Description of detective in detective genre of the XX century.....	35
Kabilov U. Interpretation of the world theme in Uzbek literature.....	39

TRANSLATION

Safarov O. The Septuagint translation in its historical essence.....	47
---	----

METHODICS

Mahmudova M. National values and methodological grounds for education.....	52
Muminova O., Melikova M. Scientific heritage of Ibn Sina and its importance for the development of world science.....	57

MASTER'S TRIBUNE

Abdunazarova Z. Variability of English phraseology in the light of contextual trans formation.....	62
---	----



Ismailova D. Basics of syntagmatic construction of substance in modern English.....67

Suzdaltseva A. The principal characters in documentary story “The Triple Agent” by Joby Warrick (extracts)”72

Abduaxadova Z On the study of interlingual equivalency of somatic elements in the Uzbek and English languages.....75

Anarkulov S. Derrivational tendencies in Ghote’s language.....78

CRITICAL REVIEWS

Yoldashev B., Ikromov I. An important research concerning the oretical problems of literature studies.....82

Ismailov S. Sayfullayev A. Contextual basics for codifications of prepositions.....85

**ТИЛШУНОСЛИК****Маҳмуд Қошғарий ва ҳозирги тилимизда сўз ясалиши
ходисаси ҳақида***Турниязов Неъмат**Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори*

Калит сўзлар: туркий тиллар, наҳв-синтаксис, "Девону луғотит турк", сўз ясалиши, деривация, семантик деривация

Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад Қошғарий туркий халқларнинг XI асрда яшаган йирик тилшуносидир. У ўз даврида маданий марказ бўлган Қошғарда туғилган ва дастлабки билимларини ана шу ерда олган. Қошғарий кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Нишопур ва Марв шаҳарларида ўқиган. Олим араб халифалигининг маданий марказларидан бири бўлган Боғдодда араб тилшунослиги, адабиёти, тарих ҳамда табиий фанлар бўйича таҳсил кўрган. Бу ерда Қошғарий машҳур араб тилшуноси Сивавайхнинг тилга доир асарларини мукамал ўрганган [1.49].

Манбаларда Қошғарий туркий тилларга бағишланган иккита йирик асар ёзганлиги қайд этилади. Мазкур асарлардан бири «Жавоҳирун наҳви фи луғотит турк» («Туркий тиллар синтаксиси жавоҳирлари») номи билан, иккинчиси эса «Девону луғотит турк» («Туркий тиллар сўзлари луғати») деб аталган. Бироқ бу асарларнинг фақат иккинчиси бизгача етиб келган. Биринчи асар ҳозиргача топилгани йўқ. Шу боис биз бугунгача олимнинг туркий тиллар синтаксиси масалалари тавсифига бағишланган нодир асари билан танишиш ва ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлолганимиз йўқ. Бироқ мазкур асарнинг мавжуд бўлганлиги шубҳасиздир. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди: «... девонда («Девону луғотит турк» асари назарда тутилмоқда – Н.Т.) бирлик, кўплик, ошириш, чоғиштириш, кичрайтиш, келишиклар масаласи ва бошқалар ҳам зикр

қилинмади. Чунки биз буларни «Жавоҳирун наҳви фи луғотит турк» исмли айрим асаримизда бердик. Наҳвга оид (синтаксисга оид – Н.Т) қоидалар у асардан қаралиши керак» [2.62].

Ана шу фикрнинг биргина ўзи ҳам Қошғарийнинг синтактик таълимоти беқиёс қимматли бўлганлигини далиллайди. Олимнинг бу асарида сўз бирикмалари, гап ва синтактик қурилмаларнинг шаклланиши масаласига доир маълумотлар берилган бўлиши шубҳасиздир.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини ҳам фақат лексикографик иш сифатида эмас, балки унда лексикология, морфология ва айрим ҳолларда синтаксисга оид масалалар тавсифи ҳам берилган тилшуносликнинг йирик манбаларидан бири деб билмоқ даркор. Асарда Маҳмуд Қошғарий ўша давр луғат таркибида мавжуд барча сўзларни, ҳар хил сўз туркумларини, сўзларда шакл ва мазмунга доир ҳар қандай ходисаларни ўз даври тилшунослигига нисбатан жуда пухта ва илмий асосда изоҳлаб берди. Сўзлар этимологияси ҳақида, сўз ясалиши ҳақида илк бор қоидалар тузди [1.19].

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, Маҳмуд Қошғарий сўз ясалиши масаласи тадқиқига алоҳида эътибор қаратган биринчи турколог олимдир. У ўзининг «Девону луғотит турк» асарида сўз ясалиши масаласига қайта-қайта тўхталганлигини кўраимиз. Бу жараёнда



отдан от, феълдан от, феълдан сифат ясаши қоидалари мукамал изоҳлаб берилади. Фикр далилини унинг қуйидаги сўзларида бемалол кузатиш мумкин: «Отлар икки турлидир: ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади. *Қилич, оқ* каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган, ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади» [2.50].

Маҳмуд Қошғарий ўз «Девон»ида феъллардан от ясаши масаласига алоҳида эътибор қаратади. Буни қуйидагиларда аниқ кузатамиз. *Олим, доно, ақлли* маъносидаги *билгә* сўзи *билди* феълига алиф қўшилиб ясалгандир. Қочувчи маъносидаги *качут* сўзи *качди* феълидан, *сэвинч* сўзи *сэвинди* феълидан, таниш одамга нисбатан қўлланадиган *біліш* сўзи *білди* феълидан ясалгандир [2.50].

«Девонда» феъллардан от ясашида алоҳида ҳарфларнинг мавқеи ҳақида сўз юритганида ҳам ибратли ҳолатлар ҳавола қилинади: ғ ҳарфи феълларга қўшилиб, уларни отга айлантиради. *Аринди* феълининг ўзагига ғ қўшилиб *ариг* (соф, тоза) сўзи, *қуруқ* маъносидаги *қуруғ* сўзи *қуриди* феълига ғ қўшилиб ясалган бўлса, *қишлаг* сўзи *қиш* сўзи охирига ғ қўшилиб ясалган. Сел маъносидаги *ақин* сўзи *ақди* феълидан ясалган [2.51-53].

Олим бундай мисолларни кўплаб келтирган. Энг муҳими шундаки, «Девон»да сўз ясаши ҳодисасига берилган мисоллар бугунги тилшунослигимизда биз лексик деривация номи билан атаётган ҳодиса учун намуна бўла олади. Бу эса, ўз навбатида, туркий тиллар, жумладан, ўзбек дериватологиясининг илдизи ҳам чуқур эканлигидан далолат беради. Агар юнон дериватологияси илдизини Аристотел тадқиқотларида, ҳинд дериватологиясининг илдизини Панини тадқиқотларида кўрадиган бўлсак, ўзбек дериватологиясининг илдизини Маҳмуд Қошғарийнинг лингвистик тадқиқотлари

билан боғлаш учун тўлиқ илмий асосга эгамиз.

Маҳмуд Қошғарий нафақат лексик деривация ҳодисаси, балки семантик деривация ҳодисаси ҳақида ҳам ўз «Девон»ида талайгина маълумотлар беради. С.Усмоновнинг «Умумий тилшунослик» асарида келтирилган М.Қошғарийнинг қуйидаги сўзларига берилган изоҳи фикримиз далили бўла олади: *туғмоқ, ёмғир, соч*. Бу ўринда *туғмоқ* сўзи фақат одамларга нисбатан эмас, балки ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланилиши (метафора ҳодисаси), *ёмғир* сўзи ўрнига *булут, осмон* сўзларининг ишлатилиши, *соч* сўзининг эса муқобил варианты *бош* сўзи бўла олиши эслатиб ўтилгани, мазкур ҳодисаларни метафора, метонимия, синекдохага мисол қилиб кўрсатиш ва бу орқали маъно кўчиши билан боғлиқ семантик жиҳатдан сўз ясашини изоҳлаш имкониятимиз бўлади [1.52].

Афсуски, Маҳмуд Қошғарийнинг туркий тил синтаксиси масалалари тадқиқига бағишланган асари бизгача етиб келмаган. Эҳтимол, олим бу асарида сўз бирикмалари, гап, гапдан катта бирликлар – микромаатнлар шаклланиши ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдиргандир. Аммо олимнинг сўз ясаши муаммоси билан боғлиқ мулоҳазалари бизгача етиб келганлиги ва ундан фойдаланаётганимизнинг ўзи ҳам бизга аллома томонидан қолдирилган нуфузли мерос деб ўйлаймиз. Албатта, ҳозирги тилшуносликда сўз ясаши ёхуд лексик деривация муаммолари атрофлича ўрганилмоқда. Бунинг далилини барча тилларда, жумладан, ўзбек тили материалида ҳам кузата оламиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, лексик деривацияни кўпгина тилшунослар сўз ясаши ҳодисасининг муқобили деб билдилар. Тўғри, лексик деривация сўз ясаши ҳодисасини тақозо этади. Уларнинг асосий тамойиллари муштаракдир. Бошқача айтганда, лексик деривация сўз ясаши ҳодисасининг янгича номланишидир. Бунда жаҳон



дериватологиясининг ўзига хос терминларидан фойдаланилади, ҳолос. Мазкур термин ва тушунчалар анъанавий тилшуносликда сўз ясалиши ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда қўлланилиб келаётган терминларни инкор этмайди, балки уларни дериватологик талабларга мос ҳолда бошқача номлайди. Масалан, *сўз ясалиши асоси* ва *ясовчи формант* тушунчалари деривацион нуктаи назардан ҳам аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Лексик деривация ҳодисаси талқинида фақат анъанавий сўз ясалиши ҳодисасининг терминлари бошқалари билан алмаштирилади. Бошқача айтганда, лексик деривацияда сўз ясалиши асоси ўрнига *операнд*, ясовчи формант ўрнига *оператор* тушунчаларидан фойдаланилади. Ҳосила тушунчаси эса *дериват* термини билан номланади.

Кўринадики, сўз ясалиши ва лексик деривация тушунчалари мазмунан муштаракдир. Бироқ тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичида лексик деривация ҳодисасига қўшимча вазифалар ҳам юкланмоқда. Бунинг асосий сабаби *сўз синтаксиси* тушунчасининг истеъмолга киритилгани билан боғлиқдир. Сўз синтаксиси тушунчаси, албатта, туб сўзлар билан эмас, балки ясама сўзлар билан узвий боғланади. Бунда ҳосила структура (дериват) сатҳида рўй берувчи морфемаларнинг ички синтагматик муносабати текширилади. Масалан, *ишчи* сўзини олайлик. Мазкур сўз, шубҳасиз, ясама сўз қолипидаги ҳосила структурани тақозо этади. Сўз ясалиши ҳодисаси тамойилларига кўра айти пайтда *иш* сўз ясалиши асосини, - *чи* аффикс морфемаси эса ясовчи форматни тақозо этади. Лексик деривация тамойилларига кўра эса *иш* операнд, - *чи* оператор, *ишчи* сўзи дериватдир.

Бу ўринда масала тавсифига сўз синтаксиси тушунчаси нуктаи назаридан ёндашсак, қўйидагиларни кузатамиз: *иш*-объект, - *чи* ижрочи (кенг маънода). Бироқ объект билан ижрочининг тўғридан-тўғри синтагматик боғланиши қийин. Улар ҳаракат маъноси орқали бир-бирлари

билан муносабатга кириша оладилар. Демак, айти пайтда *ишчи* ясама сўзида объект – ҳаракат – ижрочи ўртасидаги боғланишни кўраамиз. Аммо қизиғи шундаки, бу ўринда тил бирликларининг горизонтал чизикда рўй бераётган синтагматик боғланиши шаклланмоқда. Демак, ясама сўз сатҳида синтактик муносабат вужудга келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сўз синтаксиси тушунчасини тадқиқотлар кун тартибига қўймоқда. Бу жиҳатдан, албатта, лексик ва синтактик деривация тушунчалари максимал даражада яқинлашмоқда. Бироқ бу билан лексик ва синтактик деривация тушунчаларини қориштириб юбориб ҳам бўлмайди. Чунки ясама сўзлар шаклланиши билан шуғулланувчи лексик деривация динамик характер касб эта олмайди, у статик белгиларига кўра ажралиб туради, синтактик деривация эса мудом динамик характерлидир.

Сўз ясалиши ҳақида сўз юритилганда шунга ҳам аҳамият бериш лозимки, айти пайтда деривация оператори муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури саналади. Бу эса, ўз навбатида, унинг деривацион жараённинг энг фаол воситаси эканлигини кўрсатади [3.497]. Дарҳақиқат, оператор полифункционал унсурдир. Биринчидан, унинг ёрдамида янги сўз ясалади, иккинчидан, дериват сатҳида синтактик алоқа шаклланади, учинчидан, ўзак ёхуд негизга тиркалиб аппликатив моделни вужудга келтиради. Шу боис биз деривация ҳодисаси вужудга келишида операндга нисбатан операторнинг мавқеи катта эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бу хусусида мулоҳаза юритганида П.А. Соболева сўз ясалиши ҳодисасида оператор тиркаладиган сўз қисмини объект вазифасидаги аморф символ О билан белгилайди. Унга қўшиладиган операторларни эса R1-вербализатор, R2 – номинализатор, R3 – адъективатор, R4 – адвербиализатор вазифаларида кела оладиган энг фаол восита тарзида тавсифлайди [4.171]. Ана шунинг ўзи ҳам



деривациянинг оператори мутлақ ҳоким унсур эканлигини далиллайди.

Л.Н.Мурзиннинг таъкидлашига кўра, оператор деривацион жараёнга ташқаридан олиб кирилади, зотан, мазкур вазифани бажарувчи восита деривация операнди таркибида бўлмайди. Бу ўринда Л.Н.Мурзиннинг сўзларини айнан келтиришни лозим топдик: «Оператором именуется то, что вводится в деривационный процесс извне, и служит аналогом причины самого процесса. Оператор как бы способствует образованию новой статической единицы, и маркирует ее, то есть, выделяет из других, является показателем ее производности. То, что в словообразовании называют формантом, является с точки зрения динамики оператором» [5.21].

Хулоса қилиб айтганда, сўз ясаши билан боғлиқ деривацион

жараёнда оператор муҳим рол ўйнайди, унинг иштирокисиз янги сўз ясалмайди. Тўғри, семантик деривацияда реал қўлланилган оператор кўзга ташланмайди. Бироқ бундай вазиятда оператор вазифасини сўз ясаши муҳитининг ўзи бажаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги туркий тилшуносликда сўз ясаши вазифасининг мукамал тадқиқининг тарихий илдизи Маҳмуд Қошғарийнинг бу хусусдаги таълимоти билан узвий боғланади. Шу боис биз ўзбек дериватологиясининг шаклланиши тарихини ҳам Маҳмуд Қошғарий номи билан боғлаб ўрганамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонов С. Умумий тилшунослик. - Тошкент, 1976.
2. Қошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк.-Т., 1973.
3. Храковский В.С. Трансформация и деривация. // Проблемы структурной лингвистики – 1972. -М, 1973.
4. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. - Пермь, 1984.
5. Соболева. П.А. Моделирование словообразования // Проблемы структурной лингвистики – 1971.-М, 1972.

Турниязов Н. Махмуд Кошгарский и явление словообразования в современном языке. В статье речь идет о выдающемся лингвисте Махмуде Кошгарском и его заслуге в создании теории словообразования на материале тюркских языков. Анализ материала дает нам основание считать его первым тюркским дериватологом.

Turniyazov N. About Mahmud Koshgarskiy and the word formation phenomenon in the modern language. The article is about the outstanding linguist Mahmud Koshgarskiy and his merit in creation of the theory of word formation on the material of Turkic languages. It gives us the grounds to consider him as the first Turkic derivatologist.